



377

QAROR

№ 375 -К

«28» Август 2003 йил

Юридик шахсга ижарага
кушимча ер ажратиш тугрисида

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Фермер хужаликларини ташкил этиш тугрисида»ги қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги 347-сонли «Тадбиркорлик субъектларни давлат руйхатидан утказиш ва ҳисобга қуйиш тизимини такомиллаштириш тугрисида»ги қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси» нинг 53-маддасига асосан ва Зарафшон ширкат хужалик аъзоларининг 2003 йил 3-февралдаги №-1-сонли «DAVRON BOBO» фермер хужалигига хужаликнинг 155-контурдан деҳқончилик йуналиши бўйича 14,0 гектар ер майдони ажратиб бериш тугрисида»ги умумий йиғилиш қарори, ер участкаларини бериш (Реализация килиш) масалаларини куриш бўйича доимий фаолият курсатувчи туман комиссиясининг 2003 йил 19-августдаги йиғилиш баёнидаги ижобий хулосани ҳамда Зарафшон ширкат хужалигидаги «DAVRON BOBO» фермер хужалигининг ер майдони ажратиб бериш тугрисида ёзган аризасини куриб чикиб

КАРОР ҚИЛАМАН:

1. Зарафшон ширкат хужалик аъзоларининг 2003 йил 3-февралдаги №-1-сонли «DAVRON BOBO» фермер хужалигига хужаликнинг 155-контурдан деҳқончилик йуналиши бўйича 14,0 гектар ер майдони ажратиб бериш тугрисида»ги умумий йиғилиш қарори тасдиқлансин.

2. Туман ер ресурслари хизмати (Б.Абдураззоков)га ер кадастр ва бонитети асосида мазкур фермер хужалигига ажратилган ер майдонини йил якуни билан Зарафшон ширкат хужалиги хисобидан чиқариш тегишли меъёрий хужжатларни ва давлат гувоҳномасини тайёрлаш;

-ДФХУ вакиллиги директори (А.Олимов)га «DAVRON BOBO» фермер хужалигини тайёрлов ташкилотлари билан шартнома тузишни ва шартномани бажарилишини ҳамда ердан оқилона фойдаланишни назорат қилиш;

-туман Давлат солиқ инспекцияси (О.Жураев)га «DAVRON BOBO» фермер хужалигини молиявий фаолияти устидан назорат урнатиш;

-иқтисослашган тижорат банкларига «DAVRON BOBO» фермер хужалигининг ҳисоб рақамидаги пул маблағлари ҳаракатини тартибга солиш;

-туман статистика бўлими (З.Эргашев)га «DAVRON BOBO» фермер хужалигининг статистик хисоботларини туғри олиб бориш ва умумлаштириш вазифаси юклатилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи уринбосари Ю.Абдимуродов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:-

Ш.Негматов

Ш.Негматов